

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон ва Туркия ўхшаш кадриятлар, умумий тарих ҳамда бир илдиждан озиқланувчи маданий меросга эга. Ҳар икки мамлакат етакчиларининг ўзаро илиқ муносабатлари, минтақадаги барча туркий давлатлар билан алоқаларни яхшилашга интилишлари ҳамкорликни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этапти. Бунинг натижаси ўлароқ мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилди.



Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига амалга оширган расмий ташрифи ва Анкара шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи йиғилиши икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик, ўзаро ишонч ва стратегик шерикликни янги, янада мустақкам босқичга олиб чиқди.

Музокалар давомида иқтисодиёт, савдо, инвестиция, соғлиқни сақлаш, таълим ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган муҳим келишувларга эришилди. Ундан қўзланган мақсад эса савдо ҳажмини кенгайтириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, иш ўринлари яратиш ва энг муҳими, халқларимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришдир.

Ўзбекистон ва Туркия ташки сиёсат-

даги қўллаб масалаларда яқдил қарашларга эга. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Ислмо ҳамкорлик ташкилоти каби халқро мулоқот платформаларида бир-бирини ҳамиша қўллаб-қувватлаб келади, дунёда тинчлик, ҳамкорлик ва ривожланиш тарафдорли бўлиш борасида доим ҳамфикр.

Шу пайтга қадар икки давлат раҳбарлари барча учрашувларининг замирида иқтисодий соҳадаги алоқаларни ривожлантириш масаласи асосий ўринни эгаллаган бўлса, яқиндан бошлаб булар қаторига ҳарбий ва ҳавфсизлик борасидаги ҳамкорлик ҳам қўшилди. Шу йил 20 январь куни Анкарада бўлиб ўтган Туркия — Ўзбекистон қўшма стратегик режалаштириш гуруҳининг тўртинчи йиғилиши ва “4+4” меҳанизми доирасидаги учрашувларда бу интилиш ўзининг амалий ифодасини топди.

Президентимизнинг бу галги ташрифи доирасида Туркиянинг Ҳатай вилоятида мамлакатимиз томонидан барпо этилган “Ўзбекистон” тураржой маж-

муасининг очилиш маросими ўтказилиши алоҳида аҳамият касб этади. Гап шундаки, Ўзбекистон уч йил олдин содир бўлган вайронкор зилзиланинг дастлабки кунлардаёқ қардош халққа ҳар томонлама ёрдам қўрсатди. Қисқа фурсатда юртимиздан қўтқарувчилар ва тиббиёт ходимлари фалокат ҳудудида етиб бориб, юзлаб инсонларни қутқариш ва минглаб фуқароларга тиббий ёрдам қўрсатишга ҳисса қўшди.

Туркияда барпо этилган “Ўзбекистон” тураржой мажмуаси ва Истанбулда қурилаётган ўзбек мактаби икки халқ ўртасидаги дўстлик ва биродарлик муносабатларининг амалий ифодаси сифатида юксак аҳамиятга эга. Бу ташаббуслар нафақат жабрланган оилалар учун муносиб ашаш шароити ва таълим имкониятларини яратади, балки қардош халқларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустақкамлайди.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

АБАДИЙ ДЎСТЛИГИМИЗ ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган иштирокида Анкара шаҳрида олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи йиғилиши бўлиб ўтгани икки қардош давлат ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларининг мустақкам ривожланиб бораётганини яққол кўрсатди.



Музокалар якунида имзоланган қўшма баёнот ҳамда турли соҳалардаги икки томонлама келишувлар сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда аниқ механизмларни белгилаб берди.

Айниқса, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш ва маданий-гуманитар соҳаларда шериклини ривожлантириш

масалалари кенг муҳокама қилинди.

Шунингдек, икки мамлакат етакчилари Ҳатай вилоятида барпо этилган “Ўзбекистон” тураржой мажмуасининг очилиш маросимида қатнашди. Мазкур мажмуа бу ерда яшовчи оилалар учун ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги абадий дўстлик рамзи сифатида хизмат қилишига ишонамиз. Бу ерда қисқа фурсатда 300 дан ортиқ замонвий

хонадон ва барча зарур инфратузилмалар барпо этилгани ҳам ана шундан далолат беради. Шу билан бирга, Истанбулнинг Бекиркёй туманида қурилаётган ўзбек мактаби ҳам аҳамиятли ташаббус ҳисобланади. Ўқув даргоҳи Туркияда яшовчи ўзбек болаларига она тилида таълим олиш имконини беради ҳамда миллий кадриятлар, маданият ва

урф-одатларни сақлаб қолишга хизмат қилади.

Мазкур муассаса икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик, келажақ авлод учун эса муҳим таълим ва тарбия маркази бўлади.

Ушбу келишув ҳамда лойиҳаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ҳамда самарали амалга оширилиши халқларимиз фаровонлиги ва минтақавий барқарорликка хизмат қилади. Шу билан бирга, икки қардош давлат ўртасидаги стратегик шериклик алоқаларининг ривожланиб, ҳар томонлама самара келтираётганининг амалий ифодасига айланади.

Дилбар НОРМУРОДОВА,
халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши раиси.

Ёшлар маслаҳат гуруҳлари фаолияти – эътиборда

Термиз шаҳрида БМТнинг “Ўзбекистонда ёшлар ва болалар учун қулай маҳаллий бошқаруви инклюзив тарзда ривожлантириш” лойиҳаси доирасида ўқув семинарлари ташкил қилинди.

Семинар



Уларда халқ депутатлари Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий соҳа, ёшлар сиёсати, маданият ва спорт масалалари бўйича доимий комиссия аъзолари ҳамда ёшлар маслаҳат гуруҳлари иштирок этмоқда.

Тренингларда Кенгаш ҳузуридаги Ёшлар маслаҳат гуруҳи миллий модели, унинг мақсад ва вазифалари ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, ёшлар маслаҳат гуруҳларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, иш фаолиятини ташкил қилиш масалалари юзасидан тажриба алмашилди.

Ўқув семинарлари давомида иштирокчилар бошқарув жараёнларида ёшлар ва болалар иштирокини ошириш бўйича

халқро ва миллий тажриба билан танишди. Маҳаллий бошқарувдаги ёшлар маслаҳат тўғрисидаги ёшлар маслаҳат гуруҳлари ва функцияларини чуқурроқ ўрганиш имкониятига эга бўлди.

Бундан ташқари, бюджет жараёнида ёшлар устуворликларини инобатга олиш, ташаббусли бюджетлаштириш ҳамда давлат молиясини ва маҳаллий молияни бошқариш бўйича амалий кўникмалар мустақкамланди.

Тренинглар якунида иштирокчилар гуруҳларда ишлаган ҳолда келгуси 6 ойга мўлжалланган ҳаракатлар режасини ишлаб чиқди ва уни тақдим этди.

«Халқ сўзи».

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг кеча бўлиб ўтган йиғилишларида қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган масалалар кўриб чиқилди. Депутатлар муҳокамалар

чоғида қонун лойиҳаларининг аҳамияти, долзарблиги, заруратига эътибор қаратиб, уларни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштиришга оид муҳим таклифларини билдирди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида давлатимиз раҳбарининг Туркия Республикаси Президентининг таклифига биноан жорий йил 29 январь кунини ушбу мамлакатга расмий ташрифининг якунлари ҳақида сўз юритилди.

Фракция аъзолари мазкур ташриф икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янги даражага олиб чиқишда муҳим босқич бўлиш билан бирга, барча соҳадаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Айниқса, олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи йиғилиши икки томонлама муносабатларни янада чуқурлаштиришга қаратилган муҳим дипломатик тадбир бўлгани алоҳида қайд этилди.

Шундан сўнг бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан гаровга қўйилган мулкни ишониб топширилган шахс томонидан қонунга хилоф равишдан тасарруф қилиш оз ёки кўп бўлмаган микдорда содир этилган тақдирда маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Бу орқали мазкур турдаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликдаги мавжуд бўшлик бартараф қилинмоқда.

Муҳокама давомида фракция аъзоси Барно Бердиева қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига алоҳида тўхталиб, ундаги айрим нормалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини билдириб ўтди.

— Лойиҳада назарда тутилаётган нормалар ҳақидаги хавфсиз муҳитни мустақкамлаш, янги турдаги ҳуқуқбузарликлар пайдо бўлишининг олдини олиш, аҳоли, айниқса, ёшларга салбий таъсир қўрсатаётган ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилади, — деди депутат.



даги ваколатларини аниқ белгилаш, уларни тизимлаштириш ва қонунчиликни ўзаро мувофиқлаштириш назарда тутилмоқда.

Таъкидлаб ўтилганидек, қонун лойиҳаси маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан оқило-но фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини институционал жиҳатдан мустақкамлаш, қонунчиликдаги зиддият ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш ҳамда соҳадаги ваколатли органлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси концептуал қўллаб-қувватланди.

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида Президентимизнинг Туркия Республикасига расмий ташрифининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар давлатимиз раҳбарининг ушбу ташрифи икки қардош халқ ўртасидаги дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатларини янги, янада мазмунли босқичга кўтарган муҳим воқеалик бўлганлигини қайд этди.

Икки давлат ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик келгусида ҳам тинчлик, ижтимоий адолат ва умумий тараққиётга хизмат қиладиган намунавий ҳамкорлик модели сифатида ривожланиб боравериши алоҳида урғуланди.



Фикр-мулоҳазалардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш назарда тутувчи қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жойларда ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлган омиллар сақланиб қоляпти. Бу борада Қонунчилик палатаси депутатлари жойларга чиқиб, жиноятчилик ҳолатини ўрганиш, фуқаролар билан бевосита мулоқот қилиш ва мавжуд муаммоларни таҳлил этиш натижасида қатор ташаббусларни ишлаб чиқди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик назарда тутилмоқда. Жумладан, телекоммуникация ҳамда Интернет ҳақда ахборот тармоқларида уятли сўзлар билан сўқиниш, ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ва жамоат тартибини бузувчи бошқа шу каби ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик жорий этилмоқда.

Йиғилишда қонун лойиҳаси юзасидан қатор саволлар кўтарилди. Унда кўзда тутилаётган нормаларнинг аҳамиятли жиҳатларига эътибор қаратилиб, лойиҳа фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, Маданий мерос агентлиги ваколатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамлашга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам аффилиқ кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали республика ижро этувчи ҳокимият органларининг маданий мерос соҳаси-

Йиғилишда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама давомида депутатлар ушбу қонун лойиҳаси юзасидан қатор саволлар берди. Шунингдек, лойиҳани янада такомиллаштириш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирди. Хусусан, фракция аъзоси Дилрабо Холбоева қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар таклифлари эътиборга олингани ва улар асосида ҳужжат матни такомиллаштирилганини айтди.

— Фракциямиз йиғилишида қонун лойиҳасини қизгин муҳокама қилдик. Унда назарда тутилаётган нормалар ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерда ушбу муаммоларни таҳлил қилиш бинолар ва иншоотларга нисбатан ҳуқуқларни эътироф этиш ишларини тезлаштиришга хизмат қилади, — деди депутат.

Шунингдек, лойиҳадаги айрим нормалар юзасидан аниқлаштирувчи саволлар ҳам ўртага ташланди. Қонун ташаббускорлари эса депутатлар томонидан кўтарилган барча масалага аффилиқ таътириш бериб ўтди.

Йиғилишда депутатлар қонун лойиҳасининг муҳим аҳамиятга эгаллигини ҳисобга олиб, уни қўллаб-қувватлади. “Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси” йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси аффилиқ кўриб чиқилди.

Унда “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерда ушбу муаммоларга ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги ҳамда “Қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги қонунларга ўзгартириш

ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинмоқда.

Муҳокама жараёнида депутат Зокиржон Зоҳидов ҳуқуқларни эътироф этиш жараёнларида очкилик, шаффофлик ва адолат тамойилларига қатъий риоя қилиш, фуқаролар учун ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш муҳимлигини таъкидлади. Унинг фикрича, уй-жойга бўлган ҳуқуқ имтиёз эмас, балки Конституция билан қафо-латланган асосий ҳуқуқ ҳисобланади.

Депутат Иба Наризова эса амалдаги тартиб-таомилларнинг мураккаблиги, ҳужжатларни кўриб чиқиш муддатларининг чўзилиши ҳамда идоралар ўртасидаги мувофиқлашув етишмаслиги фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қиладиганини қайд этди.

Қонун ташаббускорлари лойиҳада назарда тутилаётган нормалар жисмоний ва юридик шахсларнинг қўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларини расмийлаштиришга тўсқинлик қиладиган омилларни бартараф этишга қаратилганини урғуланди.

Йиғилишда аҳолига тиббий ёрдамнинг қафолатланган ҳажмига қирадиган хизматларни кўрсатиш, шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касбий фаолиятини амалга ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Мунозаралар чоғида фракция аъзоси Қизилгул Қосимова қафолатланган тиббий хизматлар ҳажми қонун даражасида белгиланган бўлса-да, амалда улардан фойдаланиш имкониятлари ҳудудлар кесимида бир хил эмаслигини таъкидлади. Депутат Муқаддас Ўразалиева тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касбий фаолиятини тартибга солишга қаратилган ўзгартиришлар уларнинг ҳуқуқий ҳимояси, меҳнат шароитлари ва муносиб иш ҳақи масалалари билан узвий боғлиқ ҳолда ҳал этилиши лозимлигини билдирди.

Йиғилишда кўриб чиқилган қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор таклиф ва мулоҳазалар айтилди ҳамда улар қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида ов қилиш ва овчилик ҳўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси аффилиқ кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси ов қилиш тартиб-таомилларини аниқ белгилаш, овчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, ёввойий ҳайвонларнинг муҳофаза қилиш ва уларнинг табиий кўпайиши учун қулай шарт-шароитлар яратишни назарда тутди.

Қонун лойиҳаси билан “Қурол тўғрисида”ги ҳамда “Ов қилиш ва овчилик ҳўжалиги тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда. Шу билан бирга, ов қилиш жараёнларини тизимлаштириш, овчилик ҳўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага оид муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган нормалар белгиланмоқда.

Фракция раҳбари Абдушуккур Ҳамзаев ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш масаласига алоҳида тўхталиб, Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобида киритилган камёб ва йўқолиб бораётган ҳайвонларни тутишга илмий мақсадлардан ташқари барча ҳолларда мораторий жорий этиш зарурлигини таъкидлади. Ушбу таклиф партиянинг сайловолди дастурида ҳам ўз аксини топгани айтилди.

Шунингдек, фракция аъзолари томонидан ҳам қонун лойиҳасидаги нормаларни такомиллаштириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

Қизгин муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ВА ТИНЧЛИК ДИПЛОМАТИЯСИ

Шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва унга боғлиқ сиёсий концепциялар доирасида расмий ҳужжатларда шахсининг шаъни ва кадр-қиммати давлат сиёсатининг барча устувор йўналишларини белгиловчи асосий тамойил сифатида қайд этилган.

Икки томонлама ҳамкорлик даражаси ўлароқ Финляндия Ўзбекистонга амалга оширилган юқори даражадаги таширлар натижаларига таянган ҳолда 2026 йилда ҳамкорлики янада ривожлантириш учун қўлай имкониятларга эга. Ушбу алоқалар Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан ҳамкорлик учун ҳам самарали намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Минтақавий интеграция ва глобал эътибор учун рақобат

Глобал миқёсда қарор қабул қилувчиларнинг эътиборини доимий жалб этиш учун Марказий Осиёдаги ҳамкорлик аниқ, далилларга асосланган ва сезиларли натижаларни намоён қили-

ган. Улар қаторига стратегик режалаштиришни янада ривожлантириш, сиёсатни мувофиқлаштириш, тартибга солиш жараёнларида шаффофлиқни ошириш ҳамда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган ислохотлар кирради. Ушбу чора-тадбирларнинг барчаси “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсадларни рўйбга чиқаришга хизмат қилади.

Халоллик ва поклик тамойилларини мустаҳкамлаш, далилларга асосланган сиёсат юритишни тарғиб этиш, фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш ҳамда ҳисобдорлиқни таъминлаш янада инклюзив ва фаровон жамият барпо этишнинг муҳим шартларидир. Бундай ислохотлар иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни самарали амалга оширишнинг пойдевори бўлиб, Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ривожланиш стратегиясида марказий ўрин тутлади.

Инсон капитали ва кўп қиррали ҳамкорлик

Ўзбекистоннинг ёш ва жадал суръатларда ўсиб бораётган ишчи кучи ора-

кониятлар мавжуд. Бинобарин, Ўзбекистон бизнес хизматларини кўрсатишда “ягона дарча” моделига ўтиш йўлида илгарилаб бормоқда, бу эса тартиб-таомилларни соддалаштириш ва тадбиркорлар учун имкониятларни кенгайтиришга хизмат қилади.

Иқтисодий диверсификация стратегик устувор вазифа бўлиб, қишлоқ ҳўжалиги, табиий газ ва хомашё соҳалари билан бир қаторда ахборот технологиялари, сунъий интеллект каби юқори қўшимча қийматга эга тармоқларни ривожлантириш узоқ муддатли иқтисодий барқарорлик учун муҳим аҳамият касб этади. Финляндия компаниялари бундай ёндашувга асосланган лойиҳаларни таклиф қилиши мумкин.

2025 йил — Финляндиянинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига раислиги даврида Ташқи ишлар вазири Элина Валтонен хоним Тошкентга таширф буюриб, мамлакатнинг олий раҳбарити, шунингдек, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия унвонини тахсил олаётган талабалар ҳамда бўлажак ташқи сиёсат мутахассислари билан учрашди.

Финляндиянинг Марказий Осиё бўйича стратегияси Ҳукумат дастурига мувофиқ равишда амалга оширилиб, минтақанинг тобора ортиб бораётган стратегик ва савдо-иқтисодий аҳамияти эътироф этилмоқда. Бу доирада экологик барқарор қончиллик технологиялари ҳамда Европа Иттифоқининг “Global Gateway” боғланиш ташаббуслари орқали рақамлаштириш масалаларига алоҳида урғу берилмоқда.

Европа доирасида олиб борилаётган мониторинг ва ҳисоботларда Марказий Осиёнинг Европа Иттифоқи учун минтақавий аҳамияти, йирик давлатлар билан муносабатлар, Туркиянинг роли, минтақавий ҳамкорлик, қўшничилик сиёсати, бозор ривожини, Евроиттифоқ ва Ўзбекистон ўртасидаги Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳолати ҳамда янги халқаро ташаббуслар тобора кўпроқ марказий ўринга чиқмоқда.

Финляндиялик манфаатдор томонлар Марказий Осиёга оид сиёсий маслаҳатлашувлар, семинарлар ва тармок учрашувларида фаол иштирок этиб келмоқда. Алоқалар интенсивлашуви ҳукуматлар даражасидаги мавжуд иқтисодий ҳамкорлик механизмларини тўлдирмоқда. Тараққиёт соҳасидаги шериклик аниқ йўналтирилган, идоралараро лойиҳалар орқали давом эттирилмоқда. Бу жараёнда чекланган инсон ресурслари ва имкониятлар қаерда энг катта самара беришини пухта баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё билан боғланиш ташаббуслари, жумладан, “ТАИЕХ” дастури, сув ресурсларини бошқариш ва рақамлаштириш соҳаларида қўшимча имкониятлар яратмоқда.

Оммавий дипломатия ва мамлакат имижини шакллантиришга қаратилган фаолият минтақавий ҳамкорлик, таълим, иқлим ва атроф-муҳит масалалари, қўнун устуворлиги ҳамда тенглик мавзуларига йўналтирилган. Хельсинкида бўлиб ўтган Марказий Осиё фахрий консуллари конференцияси ахборот алмашинувини мустаҳкамлади. Шунингдек, қўшма маданий ташаббуслар, хусусан, Карл Густав Эмил Маннергеймнинг Марказий Осиё бўйлаб сафарлари чоғида олин-



ган суратлардан иборат кўча фотокўргазма ҳамкорлиқни янада фаоллаштирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2025 йил 4 апрель кунин Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммитида етакчилар 2019 йилги ЕИ — Марказий Осиё стратегияси ва унинг 2023 йилдаги амалга ошириш режаси асосида ҳамкорлиқни стратегик шериклик даражасига чуқурлаштиришга содиқликларини яна бир бор тасдиқлади. Европа Иттифоқи муҳим хомашё ресурслари, сув, энергетика, иқлим, транспорт ҳамда рақамли боғланиш йўналишларини қамраб олган 12 млрд. евролик “Global Gateway” инвестиция пакетини эълон қилди. Эндиликда Марказий Осиё давлатлари маҳаллий қиймат занжирларини ва иқлимга мослашувчанлиқни қўллаб-қувватловчи аниқ инвестицияларни кутмоқда. Булар қаторига қатъий танлов мезонларига риоя этилган ҳолда амалга ошириладиган Орол денгизи “Ашил белбоғ”и каби ташаббуслар ҳам кирради.

Халқаро молия институтлари ва куч-

минтақавий ва глобал миқёсда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган исчи сиёсий қарашни илгари суриб келмоқда. Давлат раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа йирик халқаро минбарлардаги нутқлари глобал хавфсизликка нисбатан дипломатик ва инсонпарвар ёндашувни акс эттириб, Марказий Осиё давлатлари ўртасида ва ундан ташқарида ҳамкорлиқнинг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

2019 йил июнь ойида Осиёда ўзаро ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашининг (СІСА) Бешинчи саммитида Президент Шавкат Мирзиёев таълим, ёшлар иштироки, экологик муаммолар ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишга қаратилган ташаббусларини илгари сура экан, сифатли таълимдан фойдаланиш имконияти ва радикаллашувнинг олдини олиш барқарорлик ҳамда фаровонлиқнинг асосий шартлари эканини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, Ўзбекистон тинчликка эришишга, жумладан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган

кадр-қимматини қўйиб, тинчликни адолат ва инсон ҳуқуқлари билан узвий боғлайди. Ёшларнинг фаолиятини ошириш, динлараро мулоқотни ривожлантириш ва гуманитар ҳамкорликка доир таклифлар ушбу инсонпарвар ёндашувни янада мустаҳкамлайди.

Минтақа етакчилари ва халқаро қулатувчилар Ўзбекистоннинг воситачилик ва мулоқотни ривожлантиришдаги конструктив ролининг тобора кўпроқ эътироф этмоқда. Илмий таҳлилларда Президент Шавкат Мирзиёевнинг тинчлик сиёсати минтақавий ва глобал барқарорликка ҳисса қўшувчи инклюзив модель сифатида баҳоланмоқда.

Масалан, Фарғона водийсида эришилган муваффақиятли яраштириш тажрибаси Ўзбекистон етакчисининг можароларни мулоқот, ишончли мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорлик орқали ҳал этишга қаратилган минтақавий стратегиясини яққол намоён қилди. Қарама-қаршилик ўрнига қелишувга асосланган ёндашувни устувор қўйиш орқали Ўзбекистон Марказий Осиёнинг энг мураккаб ва сезгир ҳудудларидан бирида кескинлиқни юмшатишга сезиларли ҳисса қўйди.

Умуман олганда, ишончли асосланган дипломатияни, минтақавий ҳамкорлиқни ва можароларни тинч йўл билан ҳал этишни тарғиб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар Марказий Осиёни тинчлик, ҳамкорлик ва яхши қўшничилик минтақасига айлантириш жараёнини жадаллаштирди.

Бугунги мураккаб халқаро муҳитда тинчлик ва ҳамкорликка асосланган сиёсат энг ишончли йўл бўлиб қолмоқда. Ўзбекистоннинг очиқ ташқи сиёсати, Финляндия ва Европа Иттифоқи билан стратегик шериклиги ҳамда минтақавий бирдамликка содиқлиги барқарор ривожланиш учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Тинчлик мавҳум орзу эмас — у исчи сиёсий ирода, ишончга таянган дипломатия ва самимий ҳамкорлик натижаси. Фаровон ва хавфсиз келажақ айнан шу муштарак қадриятларга таянади.

Илкка РАЙСАНАН, Финляндиянинг Ўзбекистон, Тожикистон ҳамда Туркменистондаги собиқ Фахшулода ва мухтор элчиси, Европа Қўшничилик кенгашининг ташқи маслаҳатчиси, Халқаро Нордик университети фахрий профессори.

Икки томонлама ҳамкорлик даражаси ўлароқ Финляндия Ўзбекистонга амалга оширилган юқори даражадаги таширлар натижаларига таянган ҳолда 2026 йилда ҳамкорлиқни янада ривожлантириш учун қўлай имкониятларга эга. Ушбу алоқалар Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари билан ҳамкорлик учун ҳам самарали намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ши лозим. Айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги минтақавий ҳамкорлиқнинг кучайиши, агар бу янада интеграциялашган ва узлуксиз минтақавий бозорни шакллантиришга олиб келса, ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин.

Минтақавий интеграция аллақачон муайян натижаларни бермоқда: логистика жараёнлари яхшиланимқда, савдо-сотиқ енгиллашмоқда, рақамли ечимлар орқали маъмурий ҳамкорлик кучаймоқда. Бироқ қисман мураккаб транспорт ва боғланиш тизимлари сабабли минтақа ҳозирча халқаро оммавий ахборот воситалари эътиборини етарли даражада ўзига жалб эта олгани йўқ. Шу билан бирга, Россия ва Хитой билан шаклланган таъсирчан ва узоқ муддатли алоқалар ҳам алоҳида эътиборни талаб этади. Ҳозирги геосиёсий жараёнлар минтақавий ва глобал бозорлар билан ҳамбарчас боғланган мамлакатлар учун меъёрий талабларга риоя қилиш ва хатарларни бошқариш масалаларининг аҳамиятини янада оширди.

Жамият олдига турган асосий муаммолар хануз сақланиб қолмоқда. Хусусан, рақобатбардошлик ва инновацияларни кучайтириш учун чуқурроқ таркибий ислохотларга эҳтиёж мавжуд. Шунингдек, асосан, давлатга йўналтирилган иқтисодий шароитида жисмоний ва юридик шахслар учун тенг имкониятлар яратиш мақсадида қўнун устуворлигини тўлиқ таъминлаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти Ўзбекистонда давлат бошқарувини тақомиллаштириш бўйича қатор муҳим тавсияларини илгари сур-

сида танқидий фикрлаш, ташаббускорлик, масалага ижодий ёндашув, хорижий тилларни билиш ҳамда касбий компетенцияларни мустаҳкамлашга қўшимча эътибор қаратиш зарур. “Яшил” ва рақамли ўтиш жараёнларида исчи тараққиёт бирдек муҳим бўлиб, улар иқтисодий барқарорлик билан ҳамбарчас боғлиқ. Шу нуктаи назардан, бизнес ва академик соҳадаги мустаҳкам тажрибага таянган ҳолда фаолият юритаётган Финляндиянинг Тошкентдаги Фахрий консулхонаси ҳиссаси, айниқса, муҳим бўлиб, алоҳида эътирофга лойиқ. Халқаро Нордик университети билан ҳамкорликда 2022 йилдан буён инсон капиталини ривожлантириш ва бизнес ҳамкорлигини йўлга қўйишга қаратилган инновацион платформа шаклланиб бормоқда. Ушбу платформа илм-фан ва таълимдаги мукамалликка интилишни Финляндия ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги амалий бизнес алоқалари билан уйғунлаштириб келмоқда.

Шу билан бир қаторда, Финляндия Марказий Осиёда қўнун устуворлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ҳамда Хельсинки университети Қўнун устуворлиги маркази билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу жараёнда ижтимоий йўлга қўйишга қаратилган алоҳида эътибор қаратилиб, Олий Мажлис ҳузуридаги Омбудсман институти билан алоқалар йўлга қўйилган.

Шунингдек, ҳусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва шаффоф бизнес амалиётлари тарғиботида қаратилган Бизнес-омбудсман институти билан ҳамкорлик қилиш учун ҳам катта им-

Жаҳонгир САБДУЛЛАЕВ, Ички ишлар вазирлиги Тезкор-кидирув департаментининг Киберхавфсизлик маркази раҳбари ўринбосари:

— Президентимиз томонидан хавфсизлик масаласига қаратилган доимий эътибор ва қатъий сиёсий иродани чуқур ҳис этган ҳолда айтишни истардимки, бугун жаҳон миқёсида кескин ўзгаришлар кечаётган шароитда юртимизда тинчлик ва хотиржамлиқни сақлаб туриш осон вазифа эмас. Лекин айнан мамлакатимиз етакчисининг узоқни кўра билишига асосланган ёндашувини, тинимсиз саъй-ҳаракатлари юртимизда барқарор ва хавфсиз муҳитни таъминлаш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Шу маънода, 27 январь кунин Президентимиз раислигида Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифа ҳамда топшириқлар барча ички ишлар органлари фаолияти учун дастуриламал, деб биламан.

Бугун ички ишлар органлари тизими олдига жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, рақамлаштириш жараёнлари жадал кечаётган шароитда кибержиноятларнинг олдини олиш устувор вазифа этиб белгиланган. Ачинарлиси, 2021 — 2025 йиллар оралиғида кибержиноятлар сонин 11 бараварга ошиб, 4 865 тадан 62 440 тага етди. Бу жиноятлар оқибатида фуқароларга 3 трлн. 730 млрд. сўм зарар етказилган.

Айнан шу таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори қабул қилиниб, кибержиноятларга қарши курашиш бўйича ҳудудларда алоҳида бошқармалар ташкил этилиб, ходимлар сонин оширилди. Тан олиш керак, илгари бу соҳада тажриба етарли эмас эди. Шунинг учун биз хорижий ҳамкорлар билан тажриба алмашишни йўлга қўйдиқ, етакчи мутахассисларни қораладик, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан янгилдик. Вазирлик Академиясида рақамли технологиялар соҳасида жиноятларга қарши курашиш йўналишида кадрлар тайёрланмоқда, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси би-тирувчилари соҳага жалб қилинмоқда.

Рихсивой МАҲАМАТОВ, Мировод туманидаги “Билимдон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалла раиси сифатида Президентимизнинг селектор йиғилишида берган топшириқларини чуқур масъуляти билан қабул қилдим. Айниқса, бугунги кунда радикал ва экстремистик гоёлар ахборот технологиялари орқали ёшлар онгини заҳарлашга уринаётгани, бу каби хатарларга қарши фақат ҳазо ва тақик билан курашиб бўлмаслиги ҳақидаги мулоҳазалар мен каби ҳар бир маҳалла раиси учун аниқ йўналишни белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбари томонидан “Қайтарув гуруҳлари” фаолиятини мунтазам ва тизимли йўлга қўйиш, ушбу йўналишга етук илм эгалари, тажрибали мутахассисларни йўналтириш бўйича берилган кўрсатмалар масъулятиимизни янада оширди. Бундай ёндашув адашган

ёшни жазолашга эмас, балки уни тушуниш, тўғри йўлга қайтаришга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Бизнинг маҳаллада бугунги кунда 3300 нафар аҳоли истикомат қилади. Улар 565 та хонадонда жойлашган 648 оиладан иборат. Бу эса ҳар бир хонадон билан якка тартибда ишлашни, аҳоли билан юзма-юз мулоқотни тако-зо этади. Шу кундан эътиборан маҳаллаимизда профилактика инспекторлари иштирокида хонадонбай юриб, ёшлар ҳамда аҳоли билан мунтазам суҳбатлар ўтказиб келямиз.

Шунингдек, маҳаллаимиздаги мактабларда ўқувчилар билан очик мулоқотлар ташкил этил-миз. Уларга “Устоз — шогирд” аңаналари асо-сида фойдални касб-хунар эгаллаш, 2-3 та хорижий тилни ўрганиш, IT соҳасида билим ва кўникмаларини ривожлантириш бўйича ту-шунтириш ишлари олиб боришмоқда. Бу жара-ёнларда малакали мутахассислар иштироки ёшларимиз келажаги учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Жасур ЖҲҲАЕВ, Яшнобод тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлигининг хукукбузарлиқлар профилактикаси бўйича ўринбосари:

— Ушбу йиғилиш жамоат хавфсизлигини таъминлаш, хавфсиз муҳитни шакллантириш бо-расида янги, амалий ва халққа яқин ёндашув-ларни белгилаб берди, десак, муболага эмас. Унда Чилонзор тумани мисолида жорий этила-жақ янги тизимни, хусусан, эндиликда кўчадаги ҳар қандай ички ишлар ходимиға мурожаат “102” рақамига кўнғирок билан тенг бўлишини соҳанинг барча ходимлари қатъий талаб сифа-

тида қабул қилдик. Бу фа-қат қоида эмас, балки халқ ишончини мустаҳкамловчи, фуқароларга қўшимча қўлайлик яратадиган му-ҳим механизмдир. Шу боис ушбу топшириқларни сўзсиз бажариш ҳар бир ходимнинг шахсий масъу-лияти экани алоҳида таъкидланди ва шу кун-нинг ўзидаёқ амалий ишларга киришилди.

Айни пайтда туманиимиздаги 55 та маҳалла-нинг барчасида профилактика инспекторлари-нинг хизмат хоналари тезкор алоқа тўғмалари билан жиҳозланмоқда. Энди профилактика инспектори қаерда бўлишидан қатъи назар, фуқаролар унинг қўл телефони ёки планшети орқали туну кун боғлана олади. Бу амалиёт аҳоли билан ишладда очиклик, тезкорлик ва ишончини янада мустаҳкамлаётгани амалда се-зилмоқда. Жиноятларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликка мойил шахслар билан манзил-ли ишлашни тизимли йўлга қўйиб бормоқда-миз. Ҳар бир ҳолат профилактика инспекто-рлари томонидан чуқур ўрганилиб, тегишли ҳулосалар асосида алоҳида назоратга олинмоқ-да. Шунингдек, “Менинг инспекторим” мобил-ли иловаси орқали фуқароларнинг мурожаат қилиш имкониятлари кенгайрилди, аҳолини ушбу ти-зимга улаш бўйича тарғибот ишлари фаол олиб боришмоқда.

Ҳали олдимизда турган вазифалар кўп. Улар-ни бажариш учун бор имкониятимизни ишга сола-миз. Халққа янада яқин бўлиб, ҳар бир му-рожаатни эътиборсиз қолдирмасликка ҳамда жиноятларнинг олдини олиш орқали маҳалла-ларда тинчлик ва хотиржамлиқни таъминлашга интиламиз.

Улуғбек РҲЗИМАТОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Кўчмас мулкда яшаш жойин бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотни тахрирлаш тартиби белгиланди.



БАРҚАРОР ҚУВВАТ ТАЪМИНОТИ

Мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 85 МЛРД. КИЛОВАТТ-СОАТ га етказилди



Тақвимдаги энг муҳим сана

Барқарор электр таъминотисиз sanoat, тадбиркорлик каби муҳим соҳаларни ривожлантириб бўлмайди. Иқтисодиёт технология ва инновацион ўсиш моделига ўтказилаётган ҳозирги шароитда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш талаб этилади. Негаки, жорий йилда старт бериладиган 52 млрд. долларлик 782 та янги sanoat ва инфратузилма лойиҳаси ҳамда умумий қиймати 14 млрд. долларлик 228 та янги йирик қувватнинг ўз вақтида ишга туширилиши энергетика соҳаси раванки билан қамбарчас bog'liq.

— Жадал суръатларда ўсиб бораётган иқтисодиётимиз ҳамда аҳолининг талаб-эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда энергетика соҳасида кенг ислохотлар амалга оширилиб, тизим фаолиятида тамомила янги босқичга ўтиляпти, — дейди Энергетика вазирлиги котибияти бошлиги Бекзод Исмоилов. — Бу янгиланиш иккита муҳим мақсадга эришиш имконини беради. Аввало, барча тармоқ ва ҳудудлар учун ишончли ва узлуksиз энергия таъминоти йўлга қўйилади. Қолаверса, экологик тоза ва муқобил қайта тикланувчи манбалардан фойдаланишни чуқурлаштириш эъзвига у таъминотдаги асосий кучга айланади. Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида 2025 йил 5 декабрь куни Халқаро конгресс марказида ишга туширилган ва қурилиш бошланган лойиҳалар бу борада янги имкониятларни тақдим этиб, энергетика тармоғи ривожига янги саҳифа очиб беради.

Дарҳақиқат, ўтган йилнинг 5 декабрь куни миллий энергетика тизимининг тараққиёт тақвимида энг муҳим сана сифатида муҳрланди. Сабаби айнан шу куни мамлакатнинг барқарор ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Аникроғи, умумий ҳажми қарийб 11 млрд. долларлик 42 та янги қувват ва инфратузилма объекти ишга туширилган бўлса, яна 21 та янги лойиҳа қурилишга расман киришилди. Шу жумладан, республикаимизнинг турли ҳудудларида 3,5 минг мегаваттлик 16 та қуёш, шамол, иссиқлик ва гидроэлектр станциялар фойдаланишга топширилди.

Соҳа мутахассисларининг айтишларича, улар тўлиқ қувватда ишлаганда йилга 15 млрд. киловатт-соат электр генерацияси ҳосил бўлади. Пировадига “ашил” энергия ишлаб чиқариш ҳажми жорий йилнинг ўзига 23 млрд. киловатт-соатга етказилиши кўтиляпти. Бу Ўзбекистон аҳолисининг йиллик электр энергияси истеъмолини тўлиқ қоплай олиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Энг муҳими,

“тоза” энергия ҳисобига табиий газ сарфи салкам 7 млрд. кубометр иқтисод қилиниб, атмосферага 11 млн. тонна зарарли моддалар чиқишининг олди олинади.

Шу билан бирга, ўша куни фойдаланишга топширилган 11 та йирик подстанция, 1 245 мегаваттлик 10 та энергия сақлаш тизими ва 420 километр юқори қулнишли тармоқлар тизимнинг барқарор ишлашига хизмат қилади. Айтайлик, энергия сақлаш тизимлари истеъмол ортиб кетган тизим вақтларда қўшимча равишда 1,5 млрд. киловатт-соат электр энергиясини тармоққа узатиш имконини беради.

Бунёдкор куч

Ёдингизда бўлса керак, бундан атиги ўн йил бурун электр энер-



гияси энг оғриқли муаммага айланган эди. Таъминотдаги беқарорлик, пайдар-пай узилишлар аҳолининг ҳақли эътирозларини юзга келтирган бўлса, бизнес ривожига катта тўсиққа айлانганди. Ана шундай оғир бир пайтда давлат раҳбари энг муҳим ҳаётий эҳтиёжлардан бири бўлган электр энергияси билан аҳолини узлуksиз таъминлашга жиддий эътибор қаратди. Натижада қадди букилиб қолган симёғочлару унинг салқиб қолган симларини янгилаш, ўзгарилаб турган трансформатор пунктларини модернизациялаш, янги қувватлар яратиш ишлари жадаллашиб кетди. Бу ҳаётий ташаббуслар рўёбда четдан жалб этилган инвестициялар бунёдкор кучга айланди.

— Энергетика бугун иқтисодиётнинг чет эл инвестициялари энг кўп жалб этилаётган соҳасига айланди, — дейди Энергетика вазирлигининг Халқаро ҳамкорлик, рейтинглар ва грантларни жалб қилиш бўлими бошлиғи Шоҳрухжон Ишматов. — Тизимга Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Ислон тарақ-

қиёт банки сингари молия институтлари сармоялари йўналтирилипти, айнаи чоғда соҳада дунёнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳам киритилипти. Бугунги кунда Саудия Арабистонининг “ACWA Power”, Туркиянинг “AKSA” ва “Cengiz Enerji”, Бирлашган Араб Амирикларининг “Masdar”, Хитойнинг “China Energy”, “Datang”, “Sinoma”, “Poly”, “CNTIC” ва “Eagle Ray”, Франциянинг “EDF”, “Volitalia” ва “Total Energies”, Германиянинг “Siemens Energy” ҳамда Қатарнинг “Nebras” компаниялари иштирокида йирик лойиҳалар амалга оширилаётгани сўзимиз тасдиғидир. Бунинг ҳисобига сўнгги йилларда 35 млрд. доллар хорижий инвестиция жалб қилиниб, 9 минг ме-

чик ва микроГЭСлар барпо қилиниши кўзда тутилган. Бунинг ҳисобига 80 минг хонадонда электр таъминоти тубдан яхшиланади.

Энергетика тизимидаги ўзгаришлар, ўз навбатида, sanoat тармоқлари ривожига ҳам катта туртки бермоқда. Мисол учун, 2025 йилда янги қурилаётган электр станция ва тармоқлари учун зарур бўлган 700 млн. долларлик қурилиш материаллари, металл конструкциялар, кабелўтказгичлар, электр қурилмалари маҳаллий корхоналар томонидан етказиб берилди. Шунингдек, лойиҳалаш-инжиниринг ва қурилиш хизматлари ҳам кўрсатилди. Норин ГЭС каскадининг 38 мегаваттлик илк гидроэлектр станцияси тўлиқ маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланилган ҳолда бунёд этилгани маҳаллийлаштириш даражаси ортиб бораётганини тасдиқлайди. Бинобарин, “Angren Energo” корхонасида ишлаб чиқарилаётган трансформаторлар, “Uzgidro-Power”да тайёрланаётган гидроагрегатлар халқаро стандартларга тўла жавоб беради.

Ёпиқ турдаги биринчи нимстанция

Соҳа модернизация қилиниб, тубдан янгиланаётгани тўғрисида амалиётга янги авлод технологиялари ҳам кенг қўлланила бошланди. Бу ерда гап мураккаб муҳандислик концепциясига эга Янги Тошкент ҳудудида қурилаётган инновацион энергетика объекти ҳақида кетмоқда. Яъни мамлакатимизда энергетика соҳасида илк бор “уч генерацияли” технология қўлланиляпти. Юқори технология салохият талаб этилаётган мазкур технология марказлашган советиш ва иситиш тизими учун замонавий ечим бўлиб, аънанавий қувватларга нисбатан 2 бараваргача кам энергия сарфлайди.

— Оддий иссиқлик марказлари ёки советиш тизимларида ишлаб чиқариш жараёнлари алоҳида-ало-

хиди изоҳотларнинг ҳозирги босқичида электр энергияси ишлаб чиқаришдагина эмас, балки уни етказиб беришда ҳам хусусий шериклик тамойилларини жорий этишга киришилди. Ушбу янгилик дастлаб Самарқандда сынаб қурилаётган бўлса, тез орада Жиззах ва Сирдарё вилоятлари, 2027 йилдан эса Наманган ва Тошкент вилоятлари ҳудудий электр тармоқлари бошқаруви хусусий инвесторга берилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳа доирасида тармоқ операциялар бошқарувга олинади, инвестиция киритилиб, тармоқлар модернизация қилинади. Мақсад — йўқотишларни босқичма-босқич 2 бараваргача камайтириб, юқори тежамкорликка эришиш. Зеро, давлатимиз раҳбари Мурожаатномада иқтисодиётнинг барча соҳасида юқори самарадорликка эришиш келгусида ислохотларимизнинг бош мезони бўлиши шарт эканлигини белгилаб берди. Унинг изчил ижроси таъминлашни табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил ошириш ва энергетик барқарорликка хизмат қилади.

Саид РАҲМОН
(«Халқ сўзи»).

Андижон атиргуллари жаҳон бозорида харидоргир

Балиқчи туманида қишлоқ хўжалигининг ноанъанавий, бироқ юқори қўшимча қийматга эга йўналишларидан бири — атиргул етиштириш изчил ривожланмоқда. “Чинобод нури замин” агрофирмаси далаларида 600 хилдан ортқ атиргул қўчатлари парваришланиб, улар нафақат ички бозор, балки хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинаётгани бунга яққол мисол.

Имконият

Агрофирма томонидан ўтган йили Россия, Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон ҳамда Беларусь давлатларида 1 млн. туп атиргул қўчати етказиб берилган. Эътиборли жиҳати эса жорий йилдан бошлаб атиргул маҳсулотлари экспортини янада кенгайтириш режалаштирилган.

— Ҳозир бу йўналишда тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда, — дейди туман

ҳокимлиги масъул ходими Музаффарбек Каримов. — Хусусан, ўтган мавсумда йиғиб олинган атиргул япроқлари белгиланган талаблар асосида қуритилиб, қадоклаш ишлари амалга оширилипти. Зеро, жаҳон бозорида мазкур маҳсулотнинг 1 килограмм нархи 160 — 250 АҚШ доллари атрофида баҳоланмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашча, қурилган атиргул гулбарглари таркибида инсон саломатлиги учун фойдали бўлган та-



бий моддалар мавжуд. Шу боис тиббиётда, косметология соҳасида, озиқ-овқат саноатида, айнқиса, қандолатчилик ва парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Дунё бўйича олганда эса атиргул хомашёсини экспорт қилаётган давлат-

лар сони ҳали кўп эмас. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Балиқчи туманида ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар истиқболли ҳисобланади.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

ЁШ ШАХМАТЧИЛАРИМИЗНИНГ ЯНА БИР ОЛАМШУМУЛ ЮТУҒИ

Нидерландиянинг Вейк-ан-Зее шахрида ўтказилган “Tata Steel Chess — 2026” турнири якунланди. Эътиборлиси, ушбу мусобақа мамлакатимиз спорт тарихига зарҳал харфлар билан муҳрланди.



Гап шундаки, ўн етти кунлик шиддатли баҳслар натижасида ҳамюртларимиз — Нодирбек Абдусатторов ва Жаҳохир Синдоров бутун дунёга ўзбек шахмат баъбининг интеллектуал салоҳиятини яна бир бор намойиш этди.

“Мастерс” гуруҳида 9 балл жамғарган Нодирбек Абдусатторов 88-бор ташкил этилган нуфузли турнирнинг ғолиби бўлди. Жаҳон кубоғи ғолиби Жаҳохир Синдоров эса 8,5 балл тўплаб, 2-ўринни қўлга киритди. Айтиш лозим, жорий йилги Даъвогарлар турнирига ҳозирлик қўраётган Жаҳохир “Tata Steel Chess — 2026” мусобақалари давомида биронта ҳам ўйинда мағлубиятга учрамаган “Мастерс” гуруҳидаги ягона шахматчиға айланди.

— Болалигимда айнан шу турнирда чемпион бўлишни орзу қилардим. Энди эса у рўёбга чиқди, — деди Нодирбек Абдусатторов тақдирлаш маросимидан кейин журналистларга берган интервьюсида. — Бу жуда узоқ йўл бўлди. Йиллар давомида мазкур мусобақада қатнашиб, ғалабага жуда яқин келардим, аммо ҳар сафар бироз омадим етмай қоларди. Ниҳоят, жорий йилги турнирда жуда чиройли услубда ғалаба қозондим. Бу фаолиятимдаги энг муҳим лаҳзалардан бири бўлди. Ушбу йилги имкониятини бой беришим мумкин эмас, деб ўзимча сўз бергандим. Шўқри, ўз мақсадиға эришдим. Мени қўллаб-қувватлаб турган барчаға раҳмат!

Айтиш жоизки, турнир якунларига кўра онлайн рейтинг ҳисобида Нодирбек Абдусатторов ўз кўрсаткичини +19,5 баллга ошириб, 2770 рейтинг билан дунё рейтингида кучли бешликка кўтарилишға эришгани, Жаҳохир Синдоров эса +19,4 қўшимча балл эъзвиге 2745 рейтинг билан 11-ўринга чиққани 2026 йил юртимиз шахматчилари учун омадли бошланганидан да-лолатдир.

«Халқ сўзи».

ИННОВАЦИОН МАРКАЗДА КЕЛАЖАК КАСБЛАРИ

Фурқат туманида “Innovation hub” маркази ўз фаолиятини бошлади. Ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш, ёшларни замонавий касбларга йўналтириш мақсадида ташкил этилган марказда математика, рус ва инглиз тили, ИТ чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади.



Корейс ва турк тиллари бўйича ҳам машғулотлар йўлга қўйилиб, бу борада назария ва амалиётни ўзаро уйғунлаштириб бориш кўзда тутилган. Шу мақсадда хориждан икки нафар халқаро тоифадаги мутахассис жалб қилинди.

— Ўқув жараёнлари барча замонавий йўналишлар ва келажақ касбларини қамраб олган, — дейди лойиҳа ташаббускори Бурҳонжон Раҳматуллаев. — Хусусан, йи-гит-қизлар рақамли маркетинг, дастурлаш, SMM, компьютер дизайни, сунъий интеллект ва мобиль иловалар яратиш йўналишларида мукамал билимға эга бўлади.

“Innovation hub”да янги авлоднинг жаҳон меҳнат бозорида рақобатдош мутахассис бўлишига қўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган бўлиб, уларга масофавий ишлаш, онлайн хизматлар кўрсатиш, стартап лойиҳалар ва ўз бизнес гоғларини амалга ошириш кўникмаси ўргатилади.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Шу йил 1 мартдан Альцгеймер ташхиси қўйилган шахслар учун кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати йўлга қўйилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюртма Г — 242. 25 239 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни юқуб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-ўй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.

Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.25 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6